



Азимхўжа Атаходжаев

Тошкент Кимё халқаро университети
“Тарих” кафедраси профессори в.б.
тарих фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15487051>

НАЖМИДДИН ҚУТЛУҒ ТЕМУР БОШҚАРУВИ ДАВРИДА ХОРАЗМ (ИБН БАТТУТАНИНГ “САФАРНОМА” АСАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ АСОСИДА)

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёнинг 1219-1221 йиллардаги мўғуллар босқинидан сўнг Чингизхон томонидан амалга оширган ҳудудий тақсимотининг муаммоли жиҳатлари баён этилган. Тақсимоти натижасида Хоразмнинг жануби-шарқий қисми Чигатой улусига, шимоли-ғарбий қисми аввал Жўжи улусига, сўнг Ботухон тасарруфи (Олтин Ўрда)га ўтишининг сиёсий ва иқтисодий оқибатлари кўрсатиб ўтилган. Чигатой тасарруфидаги Хоразмнинг инқирозли ҳолати ҳамда Олтин Ўрда хони Ўзбекхон томонидан Хоразмга ноиб этиб тайинланган Нажмиддин Қутлуғ Темур бошқаруви даврида Хоразмнинг ривожланиш босқичи XIV асрда яратилган араб тили манба – мағриблик сайёҳ Ибн Баттута - Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммаднинг “Тухфат ан-нуззор фи ғаройиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфор” – “Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига тухфа” ёки

“Сафарнома” асари орқали таҳлил этилган. Асарда тилга олинган Олтин Ўрдага қарашли Хоразм ноиби Нажмиддин Қутлуғ Темур каби тарихий шахснинг фаолиятига баҳо берилган.

Калит сўзлар: Хоразм, Ибн Баттута, “Сафарнома”, Чингизхон, Мовароуннаҳр, Чиғатой улуси, Дашти Қипчок, Жўжи улуси, Олтин Ўрда, Ўзбекхон, Нажмиддин Қутлуғ Темур, тақсимот, салтанат, маъмурий бошқарув, ноиб, манба, инқироз, ривожланиш, мўғул-турк, тарихий шахс.

XIII асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиёнинг улкан ҳудудларни қўлга киритган Чингизхон (1155-1227) Ясукай баҳодирнинг ўғли, Бартон баҳодирнинг набираси эди. У тез орада улкан салтанатга асос солди.

1183-1204 йиилар орасида қўшни давлатлар Чингизхоннинг ихтиёрига ўтди. 1206 йилда Темучин номи Чингизхон номга ўзгариб, мўғуллар хони этиб кўтарилди. Ҳатто ўз иттифоқчиси бўлган, сўнг Ўнхон билан бирга Чингизхонга муҳолиф бўлган Тоянхонни ҳам мағлубиятга учратилди [1. 36-39]. Бу ғалабалар Чингизхоннинг кейинги юришларига имкон берди.

Ўз рақибларни макритлар, тангутлар, уйритлар, қорахитойлар ва хоразмшоҳлар устидан ғалаба қилди. Уларда яшовчи кўплаб қорахитой ва найман қабилаларини, шунингдек қарлук, уйғур, қирғиз каби туркий элатларни ўзига тобе қилди. Ўз қўшинини эса аксарияти туркий бўлган қабилалар ҳисобига тўлдириб борди. Шу боис, Чингизхон армияси ва бошқарувида туркий қатлам нуфузи етакчи ўрин тутарди. Эгалланган улкан ҳудуддаги юртлар бошқарувини ҳам мўғул-турк одатларига кўра амалга ошириш талаб этиларди.

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад (1200-1220) тасаруфидаги Мовароуннаҳр, Хоразмни эгаллаган Чингизхон истило қилинган ҳудудларни ўз ворисларига бўлиб берди. 1224 йилда амалга оширилган тақсимотга кўра, Шарқий Туркистон, Еттисув, Мовароуннаҳр ҳамда Хоразмнинг жануби-шарқий қисми Чиғатойга (1224-1242); Хоразмнинг шимоли-ғарбий қисми, Дашти

Қипчоқ ва унинг шимолий ҳудудлари эса аввал Жўжи (1224-1227), сўнгра Ботухон (1227-1255) тасарруфига ўтди [7. 297; 1.37-41].

Чингизхон ҳар бир ўғили зиммасига муайян вазифа юклаган эди. Бу ҳақда Мирзо Улуғбек “Тарих-и арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асарида шундай маълумот беради: “Шу тўрт ўғилдан ҳар бирига бир баланд мартаба тайинланган ва бир ишга белгиланган эди, Жўжихон базму шикорни тартиб этишга, Чиғатой ясов ва бурғу чалмоқ, олмоқ ва лаш ҳар иши насағига белгиланди... Юксак қобилият эгаси ва замона яғонаси бўлган Ўқтойни мамлакат тадбирларига тайинлади. Болиғ нўён лақабли Тўлуни сарой аҳли ва амалдорларининг муҳофазасига белгилади” [7. 111]. Ўғиллари Чингизхоннинг ҳарбий юришларида ҳам фаол иштирок этган. Агар учта катта ўғил Хоразмшоҳга қарши кураш ва Хоразмнинг эгалланишида фаол иштирок этган бўлса, шаҳзода Тулухон Марв ва Хуросонни эгалланишида қатнашгани маълум. Шу йўллар билан Чингизхон бўлғуси ҳукмдорларни тайёрлаб борган.

Хоразмни эгаллаган мўғуллар 1219-1221 йиллардаги истило даврида кўплаб шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилишдан ташқари, Алоуддин Муҳаммад хазинаси (20 миллион олтин динар, 1000 юк атлас ва бошқа қимматбаҳо матолар)ни ҳам қўлга киритди [3. 206]. Мўғулларга қарши кураш сўнгги хоразмшоҳ Султон Жалолиддин томонидан 1220 йилдан то умрининг охири 1231 йилгача давом этди. У Хоразмшоҳлар давлатининг вориси сифатида хорижга йўллаган мактабларида ҳам отаси Алоуддин Муҳаммад номи остида, ўзини Султон деб зикр эттирди [13. 296].

Чингизхоннинг тақсимотига кўра, хусусан, Хоразмнинг жануби-шарқини Чиғатой улусининг, шимоли-ғарбини Жўжи улуси хонларининг ноиблари бошқарди [4. 320-321]. Аини пайтда тарихан яғона бўлган Хоразмнинг икки улус таркибига бўлиниши муайян муаммоларни келтириб чиқарарди. Уларнинг маъмурий бошқарувида ҳам фарқлар пайдо бўлди.

Чингизхон ворислари давлат бошқарувида ўз анъаналарини жорий қилди. Улар кўчманчи ва ярим кўчманчи, ҳарбий тартибларга асосланган нўён, баҳодир, туманбошиларнинг давлат бошқарувидаги сиёсий ташкилотлар эди. Шу билан бирга Хоразмшоҳлар давридаги маъмурий бошқарувга даҳлдор бўлган барча мансаблар тугатилди. Асосий вазифани солиқлар йиғими учун масъул бўлган ноиблар ўз зиммасига олди. Мазкур ноибларнинг ўзига тегишли юртларни бошқариши билан масала ҳам улус хонлари учун муҳим эди. Шу боис Чигатой улусидан фарқли равишда Жўжи улусида ноибларга катта ваколатлар берилди. Бу эса ягона давлат бошқаруви аппарати шакллантиришга имкон берарди [2. 79]. Қолаверса, бу пайтда Жўжи улуси (Олтин Ўрда) тасарруфидаги Хоразмда тикланиш ишлари бошлаб юборилган эди. Буни XIV асрнинг 30-йилларида Хоразмда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттутанинг маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Ибн Баттута – Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ҳижрий 703 (1304) йилда ражаб ойининг 7-куни (24 феврал)да Мағрибнинг Танжа шаҳрида шайх Абдуллоҳ ал-Лавотий хонадонида дунёга келади. 725 (1325) йилда Танжадан ражаб ойининг 2-куни (14 июн)да сафарга чиқади. Сафари давомида тўпланган маълумотлар асосида “Саёҳатнома” ёки “Тухфат ан-нуззор фи ғаройиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфор” – “Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига тухфа” асарини ёзиб қолдирган [5. 688].

У ўз юртидан чиқиб, Жазоир, Тунис, Ливия ҳудудлари орқали Мисрга етиб келади. Искандария, Қоҳира шаҳарларидан Қизил денгиз орқали Фаластин ва Шомга йўлга тушади. Қуддус, Дамашқ, Ҳалаб шаҳарларида бўлади. Дамашқдан Ҳижозга ўтиб, Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррама зиёратида бўлади. Нажаф, Басра, исфаҳон, шероз, Бағдод. Табриз шаҳарлари ва юртларни кезиб, яна икки бора ҳаж зиёратида бўлади. Жиддадан Яманга, у ердан Шарқий Африка қирғоқларига, денгиз йўли билан Баҳрайн қадар келади. Яна Жиддадан Кичик Осиёга йўл олиб, ниҳоят Константинополга етиб келади. Сўнгра у ердан

Олтин Ўрда ҳудудига ўтади [10. 6-158]. У Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1340) ҳузурида бўлиб, уни буюк мамлакатнинг подшоҳи, қудратли, обрўли, юксак мақомга эга, ислом дини ҳимоячиси, “жаҳоннинг энг буюк ва эътиборли етти подшоҳидан бири” сифатида таърифлайди. Сарой шаҳридан улусни бошқарган Ўзбекхон тасарруфига кирган ўлкалар – Тикфар, Қрим, Можар, Азоқ, Сулоқ ва Хоразм номини тилга олиб ўтади. Ибн Баттута хон даргоҳидаги тартибга алоҳида тўхтаб, хон аввал маликани ўз жойига ўтказиб, сўнг ўзи тахтга ўтирган. Шундан сўнг улуғ амирлар кириб келиб, ўзларига кўрсатилган чап ва ўнг томондаги жойларни эгаллашган. Хоннинг тўғрисида унинг аммакивачалари, ака-укалари қариндошлари ўтирган. Равоқ эшиги олдида улуғ амирларнинг фарзандлари, уларнинг орқасида ўнгу сўл тарафда ҳарбий кўмондонлар туришган. Уларнинг барчаси учтадан бўлиб, хон салом беришга киришган. Бундан ташқари, Ибн Баттута хон саройидаги диний уламоларнинг мавқеи ҳамда хоннинг ҳар тўрттала хотини – маликалар, бир қизи ва икки ўғли хусусида ҳам алоҳида тўхтаб ўтган [5. 333-339]. Шундан сўнг араб сайёҳи ўз сафарини давом эттириб, 1334 йилда Саройчиқ (Саройжук) шаҳри орқали Хоразмга йўл олган [10. 189]. Ўттиз кунлик машаққатли сафардан сўнг, саҳрони кесиб ўтиб Хоразм пойтахти Урганчга етиб келган. Бу карвон йўли қадимдан шаклланган бўлиб, Волгабўйини Хоразм, Мовароуннаҳр, Эрон, Ҳиндистон билан боғлаб турган. Бу даврда Урганч шаҳрига шимолдан мўйна, мум, балиқ елими. Қиличлар ва совутлар келтирилган. Кўчманчи чорвадорар бозорларни чорвачилик маҳсулотлари, лочин каби ов қушлари билан тўлдирган. Урганч бозорларидан маҳсулотлар жанубга олиб кетилган. Шу боис бу даврда Урганч ўзига хос транзит вазифасини бажарган [10. 190]. Шундай обод ва тўкинчиликка эришган Урганчга таъриф берар экан: “Бу-туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иморатлари ҳамда жозибадор, кўркам жойлари бор” [5. 358-359], дейди. Шунинг ўзи ҳам Ўзбекхон ва унгача Хоразмда қилинган

ободончилик ишларининг кўламини кўрсатади. Қолаверса, Хоразм аҳолисининг зич яшаши, бозорларининг ўта гавжумлиги, хорижий ва маҳаллий маҳсулотларнинг сероблиги ва нархларининг мақбуллиги билан Ибн Баттутани таажубга солган. Шу жиҳатлари билан ҳам Хоразм ўлкаси ва Урганч шаҳри бошқа ўлкалардан, жумладан араб шаҳарларидан фарқланган.

Айнан Ибн Баттута Хоразмга ташриф буюрган пайтда уни Ўзбекхоннинг ноиби Нажмиддин Қутлуғ Темур бошқарар эди. Бу шахс ҳақида Ибн Дўқмоқ берган маълумотларга кўра, Қутлуғ темур Хоразмга ҳижрий 721 (милодий 1321) йилда волий (ноиб) этиб тайинланган ва у ерда доимий яшаган. Ибн Халдуннинг ёзишича, Қутлуғ Темур 1321 йилгача Қрим вилоятининг ноиби бўлган. У ердан олиниб, Хоразмга ноиб қилиб белгиланган. Натанзийнинг “Мунтахиб ут-тавориҳи Муний” асрида ва Фасих Хавофийнинг “Мужмал-и Фосихий” асарларида хоразмшоҳ деб таърифланган Нажмиддин Қутлуғ Темур 736 (1335-1336) йилда вафот этган [8. 49-50]. Бошқа манбаларга, Қутлуғ Темур умрининг охирини Қримда ўтказган. Мирхонднинг Қутлуғ Темур 763 (1361) йилда вафот этгани ҳақидаги маълумотини инкор этган А.Ю.Якубовскийнинг Усмон – Оқ-кўк-Роқлининг “Кўҳна Қрим ва ўғиз битиклари” асарининг 7-саҳифасига суяниб келтиришича: “Чунки Қримда Ўғиз деган жойдаги тош лавҳда “Бу қудуқ буюк амир Қутлуғ Темурбек фармони билан...765 (1368) йилда бино қилинган”, деб ёзади [6. 90 (16-изоҳ)]. Аввал Қримда, сўнг Хоразмда ноиблик қилган Нажмиддин Қутлуғ Темур айна пайтда Ўзбекхоннинг ҳокимиятга келишида катта хизмат қилган шахс эди [10. 191]. У ўз фаолияти давомида катта сиёсий мавқега эга бўлиб, асосан улусни тиклаш ишларини амалга оширган. У Хоразмнинг иқтисодий имкониятларини тўғри ҳисобга либ, бу вилоятни юксалтириш ва ҳаётини изга солишда самарали ишларни амалга оширган дейиш мумкин. Таққослайдиган бўлсак, шахсан Ибн Батута ёзишича, Чигатой улуси шаҳарлари, жумладан “Термиз бутунлай харобага айланиб, у хануз тикланмаган” [5. 367] эди. Бу ҳолат Бухоро ва

Самарқандга ҳам даҳлдор эди. Хусусан, О.И. Чехович эълон қилган вақф ёрлиқларига кўра, XIV асрнинг бошларига қадар Бухорода вайрон бўлган қаср ва кўрғонлар, масжидлар, боғу узумзорлар тикланиб улгурмаган [12. Док. №1, лист. 1326].

Ибн Баттута Қутлуғ Темурнинг бунёдкорлик ишларини ҳам эслатиб ўтиб, шаҳардаги мадраса ва унга туташ бошқа иморатларни ҳам мазкур амир қурдирганини айтади. Қутлуғ Темур томонидан Кўҳна Урганчда пишиқ ғиштда маҳобатли минора бунёд этилган. Мазкур минора Султон Такаш мақбараси яқинижа 1321-1336 йиллар давомида қурилган. Унинг баланлиги 62 метр бўлиб, энг баланд минора саналган. Миноранинг қуйи қисмида куфий ёзувида Қутлуғ Темур ва Ўзбекхон номлари зикр этилгани ҳам миноранинг тикланиш даврини асослайди. Бу каби ижобий ишлар, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий юксалиш хоразмликлар ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Ибн Баттута: “Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки, мавланиб турган денгизни эслатади. ...Бутун дунё бўйлаб қилган саёҳатимда мен хоразмликлардан кўра хушхулқ, олижаноб, ажнабийларга нисбатан меҳмондўст одамларни учратмаган эдим” [5. 359], деб ёзади.

Хоразмнинг иқтисодий юксалишида Амударёнинг ўрни катта бўлган Ибн Баттута Жайхун дарёсини “жаннатдан бошланадиган тўрт наҳрнинг биридир”, дейди. Шу билан бирга бу пайтдаги иқлимнинг ҳозиргига кўра совуқ бўлганлигини ҳам билиб олиш мумкин. XIV асрда Жайхун суви музлаган. Унинг устида одамлар бемалол юра олган. Дарёнинг музи беш ой давомида сақланиб турган. Муз эригач, кемаларда Термизгача бориш имкони бўлган. У ердан буғдой ва сули олиб келинган [5. 359-360]. Бу нафақат қуриқликда, балки дарё орқали ҳам Чигатой улуси билан иқтисодий алоқалар амалга оширилганлиги исботлайди. Афсуски, Жўжи улуси тасарруфидаги Хоразмдан фарқли ўлароқ, Чигатой улусидаги ўзаро курашлар иқтисоднинг асоси деҳқончилик ва ҳунармандчиликка, савдо йўллари фаолиятига салбий таъсир

кўрсатаётган эди [11. 198]. Ҳатто солиқ ва йиғимлар миқдори ҳам чиғатой улусида кўп бўлган, бундан оддий аҳоли азият чеккан [9. 132 (манба. Рашид ад-дин. Джāми' ат-таварих, т. II, изд. Э. Блоше. – Лондон – Лейден, 1911. – С. 312)]. Бу эса 1238 йилдаги Маҳмуд Торобий бошчилигидаги каби кўзғалонларга сабабчи бўлган.

Ибн Баттута айнан мўғуллар истилосига қарши курашда жонбозлик кўрсатган Нажмиддин Кубро – кубравия тарқатининг асосчиси, мутаффакир ва авлиё Амад ибн Умар ал-Хивақий қабрини зиёрат қилади. Зовия (дарвишлар хонақоси) шайхи Сайфуддин ибн Асаба ва яна бир зовия шайхи Жалолуддин ас-Самарқандий ҳақида маълумот беради. Сайёҳ шаҳар ташқарисидаги Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий қабри устига қурилган мақбарага ҳам ташриф буюради. У Қутлуғ Темурнинг божаси Хоразм қозиси Абу Ҳафс Умарнинг меҳмони бўлади. Бу ерда у яна бир нечта давлат ва дин арбоблари билан мулоқатда бўлганлигини эсга олади [5. 360-361].

Ибн Баттутанинг шахсан Нажмиддин Қутлуғ Темур ҳақидаги маълумотлари анча қизиқарли саналади. Унга кўра, Қутлуғ Темур (манбада Қутлудумур) улуғ султон Муҳаммад Ўзбекхонга қариндош бўлиб, холасининг ўғли ҳисобланиб, хон ишонган энг буюк амирлардан бири бўлган. Қутлуғ Темурнинг ўғли Ҳорунбек эса айна пайтда Ўзбекхоннинг юқорида тилга олинган қизига уйланган. Қутлуғ Темурнинг завжаси Тўрабека хотун замонасининг оқила ва олижаноб аёлларидан бири бўлган. Ибн Баттута Қутлуғ Темурни зиёрат қилгани олдида кирганида, ноиб бод касалидан хасталаниб ётган бўлади. Сайёҳ бу касаллик турклар орасида кенг тарқалганлигини ҳам эслатиб ўтади. Айна пайтда шу ҳолатда ҳам ноиб ўз уйида мажлис ўтказган. У сайёҳни ўз қозиси ва фақиҳлари билан бирга қабул қилган. Бу қабулда Ибн Баттута ўз сафари ҳақида батафсил сўзлаб беради. У ноибнинг бошқарув усулига алоҳида эътибор қаратиб, Қутлуғ Темур ҳар куни қози, фақиҳ ва хаттот (“ёзғувчи”), шунингдек бош амирлардан бирини ва саккиз нафар турк

амирларни чорлаб вилоятдаги аҳвол ҳақида ахборот тинглаган. Арз-ҳол ва шикоятларнинг адолатли ҳал бўлишини талаб қилган. Ҳукмларни қозилар шариат аҳкомлари бўйича, ёзгувчилар Чингизхоннинг “Ясо” қонунлари бўйича чиқаришган. Уларнинг ҳукми адолатли бўлгани боис, Қутлуғ Темур қўл остидаги мансабдорлар бир томонга ён босиша олмаган ва пора ҳам олишолмаган [5. 361-361; 10. 193].

Қутлуғ Темур саховатли ҳукмдор сифатида қозиси Абу Ҳафс орқали Ибн Баттутага минг дирҳам инъом қилган. Бу минг дирҳам Мағрибнинг 300 олтин динорига тенг бўлган. Бу пулга сайёҳ қора тусли от сотиб олган. Бу от ҳатто уннинг Ҳиндистон сафарида ҳам хизмат қилган [5. 362-363].

У “тенг келадигани дунёда йўқ” Хоразм қовунига ҳам таъриф берар экан, унинг куврак навини алоҳида таъкидлаб ўтган. У қовунни Мағрибдаги анжир каби қоқи қилиб Хитой ва Ҳиндистонга олиб борилишини келтиради ва “барча қурилган мевалар ичида қовунқоқига тенг келадигани йўқ”, дейди. У ҳатто Ҳиндистонда бўлган пайтида ҳам Хоразм қовуни ва қовунқоқиси топтириб, тановвул қилиганлигини ифтихор билан сўзлайди [5. 363].

Ибн Баттута тўрт кун йўл юриб, мўъжаз ва чиройли Қиёт (Кат) шаҳрига етиб келади. У шаҳар шайхи Маҳмуд ал-Хивакий томонидан кутиб олинади. Унинг ҳузурига ҳатто шаҳарнинг амири ҳам ўз мулозимлари ва маҳрамлари билан келади. Амир зиёфат бериб, Ибн Баттутага уст-бош ва яхшиир от тухфа қилади. Шундан сўнг Сепоя орқали Ибн Баттута Хоразмдан чиқиб Бухорога йўл олади [5. 365].

Умуман, Ибн Баттута кейинги сафарини Бухор, Нахшаб, Самарқанд, Термиз, Балх, Қундуз, Бағлон, Кобул, Ғазна орқали Ҳиндистонга ўтади. Сўнгра Цейлон (Шри-Ланка) ва мальдив ороллари, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ва Хитойда бўлади. Сўнгра ўз юрти томон кетади [10. 194-258].

Манбаларга кўра, Қутлуғ Темур 1335 йилга қадар Хоразмни бошқарган кўринади. Бу даврда у Чигатой улуси ҳукмдорлари Кебекхон (1309-1326) ва

Тармаширин (1326-1334) билан яхши муносабатда бўлган дейиш мумкин. Чунки томонларнинг ўзаро урушлари ва низолари ҳақида маълумотлар учрамайди. Фақатгина Қутлуғ Темурдан сўнг Хоразмнинг сиёсий иқтисодий мавқеи пасайган. Деярли бошқарувсиз қолган. Бундан фойдаланган Чиғатой ҳукмдор доиралари унинг Жўжи ўлусига тегишли қисмини ўз таркибига қўшиш тадорикида бўлишган. Шу боис ҳам Муиниддин Натанзийга кўра, Чиғатой улуси амири Қазағоннинг ўғли Абдуллоҳ айрим амирларнинг қутқусига учиб, Хоразмнинг Жўжи улусига тегишли қисмига ҳужум қилган. Аммо чиғатойнинг ўша даврдаги амири Қазағон (1346-1358) ўғлининг бу юришини кескин қоралаб, “нима сабабдан мусулмонлар мол-мулкига қасд қилдингиз? Бир иқлимдан шундоқ сонсиз лашкарни олиб ўтдингиз ва сизнинг ўтишингиздан фуқарога, ожизлар ва бечораҳол одамларга турли озор етди”, дея қаттиқ дашном берган [8. 50]. Бу юришда Абдуллоҳга “малик ут-тужжор” Хожа Ихтиёриддин Ҳасан Соварж хоразмликлар номидан тавон сифатида икки юз туман хоразмий ва бошқа совға-саломлар топшириган. Шундан сўнг амирзода Абдуллоҳ бирор кишига озор бермай ортига қайтган [8. 49].

Фақатгина Амир Темур Хоразм масаласида ўзига хос сиёсат юритди. У ўз салтанатини бунёд этишда уни Хоразмсиз тасаввур эта олмас эди. Бунинг ўзига хос сиёсий ва иқтисодий сабалари бор эди. Бу боис 1371, 1373, 1375, 1379, 1388/89 йиллардаги юришлари билан Хоразм ўз салтанати таркибига қўшди. Бу билан Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмни қайта бирлаштириб, ўз салтанати ҳамда Туронзаминдаги яхлитлигини таъминлашга эришди. Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг яна ягона давлат сифатида бирлашиши ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи учун муҳим босқич бўлган, дейиш мумкин.

Умуман олганда, XIII – XIV асрлар тарихини ёритишда Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” ёки “Тухфат ан-нуззор фи ғаройиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфор” – “Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига тухфа” каби

асарлар муҳим манба вазифасини ўтди. Бу асарларда тилга олинган Нажмиддин Қутлуғ Темур каби шахсларнинг фаолиятини ёритиш тарихимизнинг ҳали кам ўрганилган саҳифаларини батафсил ёритиш имкони беради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Аёзий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Нашрга тайёрловчи, сўз боши, тадбир, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Х. Жалилов. – Т.: O‘zbekiston, 2011.

2. Ачилова Г. Чиғатой улуси маъмурий бошқарув тартиби ва унинг ўзига хос жиҳатлари // Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Республика ёш олимларининг анъанавий иккинчи илмий конференцияси материаллари тўплами. 2010 йил 24-25 май. – Тошкент: Фан, 2010.

3. Бунёдов З. Марказий Осиёга доир тадқиқотлар. Хоразмшоҳлар – ануштагинийлар давлати / А. Аҳмедов ва б. тарж. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2012.

4. Воҳидов Ш., Қодиров А. Шарқнинг машҳур сулолалари. – Тошкент: Akademnashr, 2013.

5. Ибн Баттута. Саёҳатнома “Тухфат ан-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор” / Баттута Ибн: масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи Н. Иброҳимов. – Тошкент: Sharq, 2012.

6. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент: Шарқ баёзи, 1993.

7. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи (“Тарих-и арбаъ улус”). – Тошкент: Чўлпон, 1994.

8. Натанзий, Муиниддин. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муинийнинг тарихлари танланмиси) / форс тилидан тарж. сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғ. Каримий. – Тошкент: O‘zbekiston, 2011.

9. Петрушевский И.П. Поход монгольских войск в Среднюю Азию в 1219–1224 гг. и его последствия // Татаро-монголы в Азии и Европе. Сборник статей. Издание 2-е. – Москва: Наука, 1977.
10. Тимофеев И. Ибн Баттута. – М.: Молодая гвардия, 1983.
11. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2007.
12. Чехович О.И. Бухарские документы XIV в. – Ташкент, 1965. Док. № 1, л. 1326.
13. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Сийрат ас-султон Жалол ад-дин Менгбурни (“Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти) / К. Матёкубов тарж. – Тошкент: O‘zbekiston, 2006.

ХОРЕЗМ ПРИ ПРАВЛЕНИИ НАДЖМИДДИНА КУТЛУГА ТЕМУРА (НА ОСНОВЕ АНАЛИЗА ТРУДА ИБН БАТТУТЫ "САФАРНАМЕ")

Аннотация. В статье рассматриваются проблемные аспекты территориального деления Центральной Азии, осуществленного Чингисханом после монгольского вторжения 1219-1221 годов. Показаны политические и экономические последствия перехода юго-восточной части Хорезма в Чагатайский улус, а северо-западной части сначала в улус Джучи, а затем во владения Бату-хана (Золотую Орду). Кризисное состояние Хорезма под властью Чагатая и этап развития Хорезма во время правления Наджмиддина Кутлуг Темура, назначенного наместником Хорезма ханом Золотой Орды Узбек-ханом, анализируются на основе арабского источника XIV века - труда магрибского путешественника Ибн Баттуты - Шамсуддина Абу Абдуллаха Мухаммада *"Тухфат ан-нуззор фи гароиб ал-амсор ва ажойиб ал-асфор"* - *"Дар для созерцателей чудесных городов и удивительных путешествий"* или *"Сафарнаме"*. В произведении дается оценка деятельности такой исторической личности, как Наджмиддин Кутлуг Темур, наместника Хорезма, подвластного Золотой Орде.

Ключевые слова: Хорезм, Ибн Баттута, “Сафарноме”, Чингизхан, Маверанахр, Чагатайский улус, Дешти Кипчак, Улус Джучи, Золотая Орда, Узбекхан, Наджмиддин Кутлуг Темур, распределение, царство, административное управление, наместник, источник, кризис, развитие, тюрко-моголы, историческая личность.

NAJMIDDIN QUTLUĞ TEMUR’S ADMINISTRATION IN KHOREZM

(Based on an Analysis of Ibn Battūṭa’s *Ṣafar-nāma*)

Abstract. This article examines the problematic aspects of the territorial division carried out by Genghis Khān in Central Asia after the Mongol invasions of 1219–1221. As a result of that division, the southeastern part of Khorezm fell to the Chaghatai ulus, while its northwestern part was first assigned to the Jöchi ulus and then to the authority of Batu Khān (the Golden Horde). The political and economic consequences of this redistribution are discussed in this article. The crisis state of Khorezm under Chaghatai rule and its subsequent phase of development in the 14th century—during the governance of Najmiddin Qutluğ Temur, who was appointed as viceroy (naib) of Khorezm by the Golden Horde’s Khan, Uzbek Khān—are analyzed through the 14th-century Arabic source by the Maghrebi traveler Shams ud-Dīn Abū ‘Abd Allāh Muḥammad Ibn Battūṭa, entitled *Tuḥfat an-nuzzār fī gharā’ib al-amṣār wa-ajāyib al-asfār* (“Gifts to the Observers on the Wonders of Cities and Marvels of Journeys”), also known simply as the *Ṣafar-nāma*. The study assesses the activities of the Golden Horde’s Khorezm viceroy, Najmiddin Qutluğ Temur, as portrayed in this work.

Keywords: Khorezm; Ibn Battūṭa; *Ṣafar-nāma*; Genghis Khān; Mawarannahr; Chaghatai ulus; Dasht-i Qipchaq; Jochi ulus; Golden Horde; Uzbek Khān; Najmiddin Qutluğ Temur; division; sultanate; administrative governance; viceroy (naib); source; crisis; development; Mongol-Turk; historical figure.